

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЗБАЕВ ҲИКМАТУЛЛО ИСМАТУЛЛАЕВИЧ

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА
ТИЛ ПОРТФОЛИОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Уразбаев Ҳикматулло Исматуллаевич

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда тил портфолиосидан фойдаланишнинг назарий-методологик асослари.....3

Urazbaev Khikmatullo Ismatullaevich

Theoretical and Methodological Foundations of Using Language Portfolio in Pre-Service English Teacher Education.....31

Уразбаев Ҳикматулло Исматуллаевич

Теоретико-методологические основы использования языкового портфолио в подготовке учителей английского языка.....57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works62

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЗБАЕВ ҲИКМАТУЛЛО ИСМАТУЛЛАЕВИЧ

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА
ТИЛ ПОРТФОЛИОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped1829 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиева Гуландом Хисамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхтасинов Илҳом Мадаминович
педагогика фанлари доктори, профессор

Абдужаббарова Замира Рустамовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2021 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Х.Д. Палуанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., ф.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Л.Т. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда илғор педагогик тажрибалар асосида чет тилларни ўқитишнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган ёндашув, тамойилларига асосланган самарали методикаларини ишлаб чиқиш, бўлажак чет тили ўқитувчиларининг рефлексив фикрлаш, таълим олиш траекторияларини мустақил белгилаш, олган билим, кўникма ва малакаларини замонавий меҳнат бозори талабларига мос равишда касбий фаолияти давомида ошириб (lifelong learning) боришга бўлган қобилиятларини ривожлантирувчи таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда етакчи ўринларда турувчи Веллингтон Виктория университети (Victoria University of Wellington), Вандербильт Университети (Vanderbilt University), Дублин Сити Университети қошидаги Баҳолаш, Таълим соҳасидаги амалиётлар ва сиёсатлар тадқиқот маркази (Center for Assessment Research, Policy and Practice in Education under Dublin City University), Европа Кенгаши ҳузуридаги Таълим департаменти (Council of Europe Education Department) ҳамда етакчи олий таълим муассасаларида глобаллашув шароитида касбий фаолиятда юзага келадиган турли муаммоли вазиятларга ечим топа олувчи, рақобатбардош ва чет тиллар бўйича малакали педагог кадрларни тайёрлашда, уларнинг чет тили бўйича компетенцияларини ривожлантиришда портфолио (portfolio pedagogy, language portfolio, portfolio based learning, e-portfolio based learning and assessment) технологиясининг имкониятларини тадқиқ қилишга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича жадал суръатларда олиб борилаётган ислоҳотларда бўлажак чет тили ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитувчиларнинг нафақат чет тили бўйича лингвистик, коммуникатив ва касбий компетенцияларини ривожлантириш, балки уларнинг мустақил таълим олиш кўникмалари, тил ўрганиш тажрибаси, хусусан, рефлексив фикрлаш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини ривожлантиришга ва шу орқали уларнинг маҳоратини узлуксиз ошириб бориш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратишни тақозо этади. Зеро, «фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш»¹га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса тил портфолиоси технологиясидан чет тилларини ўрганиш, ҳамда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони.
https://nrm.uz/contentf?doc=602358_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

тизимда самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш муҳим эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ 3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда хорижий тилни ўқитиш масалалари Г.Х.Бакиева, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, Т.К.Саттаров, М.Джусупов, Д.У.Хошимова ва И.Тўхтасинов² каби тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган.

Мамлакатимиз чет тилларни ўрганиш тизимида Умумевропа компетенцияларини чет тилларни ўқитиш жараёнида самарали қўллашнинг методологик асослари Ф.М.Рашидова, Ж.Жалолов, Г.Махкамова, Ш.Ашурова, L.Kirkham, А.Ирискулов ва Б.Г.Кулматовларнинг³ илмий тадқиқотларида ишлаб чиқилган.

² Bakieva G.Kh., Tukhtasinov I.M. Expressing Stylistic Devices in Compound Words // Eastern European Scientific Journal. – Ausbage, 2018. – № 3 – P. 49-55; Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. – Ташкент: Фан ва технология, 2009. – 160 с.; Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т., 2012. – 432 б.; Саттаров Т. Қ. Мутахассислик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимининг касбий малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): дис. ... педагогика фанлари ... д-ри дис. – Т. 2000.; Джусупов М. Билингвальное образование: проблема звуковой и лингвокультурной интерференции. // Вестник РУДН, 2017. – №3. – С. 351-358.; Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межязыковых взаимодействий: Дис. ... докт. пед. наук. – Т., 2007. – 209 с.

³ Рашидова Ф.М. Совершенствование концептуально-методических основ внедрения CEFR с систему непрерывного образования Узбекистана (на примере английского языка). Дисс. ... док. пед. наук. – Т.: 2017. – С.309; Jalolov J., Makhkamova G., Ashurov Sh. English Language Teaching Methodology (theory and practice).

Ўзбекистонда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш хусусиятлари М.Гулямова, К.Мурадқасимова, К.Д.Рискулова, ва Д.Курбанбаевалар⁴ томонидан ўрганилган.

Тил портфолиоси ва Европа тил портфолиоси технологиясининг илмий-методик концепцияси илк бор А.Christ, F.De Buser, A.Dobson, J.Trim, G.Shneider, P.Lenz, R.Perklova, D.Little, R.Sharerларнинг⁵ илмий тадқиқотлари да ишлаб чиқилган.

Портфолио технологиясини қўллашнинг умумий педагогик тамойиллари МДХ олимларидан Г.Б.Голуб, О.В.Чуракова, В.К.Загвоздкин, Т.Г.Новиковалар томонидан тадқиқ қилинган⁶.

Европа тил портфолиоси технологиясини бўлажак мутахассисларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришда қўллаш бўйича И.Крузе, О.Мирошникова, А.Сичевалар⁷ томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Электрон портфолиоларни таълим жараёнида тадбиқ қилишнинг назарий асослари В.L.Cambridge, T.Dornan, C.Carmen, J.Parboosingh, V.McNair, D.Galanouli томонидан ва Америка Коллежлари ва Университетлари Ассоциацияси (Association of American Colleges and Universities)⁸ томонидан алоҳида тадқиқ қилинган. Бироқ Республикамизда портфолиодан педагогик технология сифатида ҳамда тил портфолиоси технологиясидан чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш ва бўлажак чет тиллари

–Т.: Фан ва технология, 2015. –336 p.; Kirkham L., Iriskulov A., Rashidova F. A Handbook for Teachers of Foreign Languages with reference to the CEFR. – Tashkent, 2014. – P. 32; Кулматов Б.Г. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. PhD ... дис. – Т., 2018. – 97 б.

⁴ Мурадқасимова К.Ш. Инглиз тилини ўқитишда талабалар кўникма ва малакаларини баҳолаш хусусиятлари. Пед. фан. фал. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2019 – 42 б.; Гулямова М. Инглиз тилини ўқитишда талабалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга интегратив ёндашув. Пед. фан. фал. д-ри ... дисс. автореф. – Т.: 2019 – 44 б.

⁵ Крист А., Дебюзер Ф., Добсон А. Трим Дж. и др. Европейский языковой портфель (пер.) / А.Крист, Ф.Дебюзер, Дж.Трим. – М.: Еврошкола, 1998. – 217 с.; Perclová R. The Implementation of European Language Portfolio Pedagogy in Czech Primary and Lower-Secondary Schools: Beliefs and Attitudes of Pilot Teachers and Learners. PhD Thesis. – University of Joensuu, 2006. – 318 p.; Schärer R. A European Language Portfolio – a Possible Format. In: Council of Europe, 1992. – P. 140-146; Little D. The Common European Framework and the European Language Portfolio: Involving learners and their judgments in the assessment process. Language Testing, 2005. – 22 (3). – P. 321-336.

⁶ Голуб, Г. Б. Портфолио в системе педагогической диагностики / Г.Б.Голуб, О.В.Чуракова // Школьные технологии, 2005. – № 1. – С. 181 – 195; – № 2. – С. 189 – 201; Новикова Т.Г., Пинская М. А., Александр С.П. и Федотова Е.Е. Портфолио в зарубежной образовательной практике // Вопросы образования, 2004. – №3. – С. 201-238.

⁷ Крузе И.И. Профессионально-ориентированный языковой портфель как интегральная технология иноязычного образования студентов-юристов. Дисс. ... канд. пед. наук. – М, 2016. – 271 с.; Мирошникова О.Х. Формирование профессионально-языковых компетенций в системе естественнонаучного образования на основе технологии языкового портфеля. Дисс. канд. пед. наук. – Ростов-на-Дону, 2008. – 195 с.; Сычева А.В. Инновационный подход к повышению профессиональной квалификации лингвиста-преподавателя в рамках требований общеевропейских компетенций. Дисс. ... канд. пед. наук. – М., 2004. – 195 с.

⁸ Cambridge B.L. Electronic portfolios as knowledge builders. In B. L.Cambridge, S.Kahn, D. P.Tompkins & K.B. Yancey (Eds.), Electronic portfolios: Emerging practices in student, faculty, and institutional learning. – Washington, DC: American Association for Higher Education, 2001. – P. 1-11; Dornan T., Carmen C., and Parboosingh J. An Electronic Learning Portfolio for Reflective Continuing Professional Development // Medical Education, 2002 – №36 (8). – P. 767-769; McNair V., Galanouli D. Information and Communications Technology in Teacher Education: Can a Reflective Portfolio Enhance Reflective Practice? //Technology, Pedagogy and Education, 2002. – № 11 (2). – P. 181-196; Association of American Colleges and Universities. Online Source <https://www.aacu.org/about> Last Accessed: 19.09.2020.

ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида қўллаш масалалари махсус ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида тил портфолиосидан фойдаланиш методологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий педагогик ва методик адабиётларда портфолио технологиясининг тавсифини, мазмун-моҳиятини, портфолио технологиясини қўллаш жабҳаларини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш;

инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда тил портфолиоси технологиясини қўллаш имкониятларининг илмий-назарий асосларини таҳлил этиш;

Республикамиз ОТМларида инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга ихтисослашган бакалаврият таълим йўналишларида қўллаш учун мўлжалланган «Европа тил портфолиоси Ўзбек модели»ни яратиш (қоғоз ва электрон версиялари);

яратилган тил портфолиоси моделини тажриба-синовдан ўтказиш;

тил портфолиосидан бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг рефлексив фикрлаш, мустақил таълим кўникмалари ва ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришдаги ўрнини педагогик тажриба-синов ишлари орқали илмий асослаш;

тадқиқот натижалари асосида инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга ихтисослашган бакалаврият таълим йўналишларида тил портфолиоси технологиясини қўллаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни олинган.

Тадқиқот предметини бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мустақил таълим олиш, ўз-ўзини баҳолаш ва рефлексив фаолиятини ривожлантиришда тил портфолиосидан фойдаланиш кўникмалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, чоғиштира таҳлил), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларга статистик ишлов бериш, хусусан, Стюдент t-тести, Коэн бўйича таъсир кўлами, чизиқли регрессия тенгламаси) усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тил портфолиоси таркибида берилган ўз-ўзини баҳолаш назорат рўйхатлари (self-assessment checklist) ҳамда топшириқлари мажмуи орқали талабаларнинг хорижий тилларни ўрганишида ўз-ўзини Умумевропа компетенциялари асосида баҳолаб боришнинг ҳамда олий таълим муҳитида талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг шаффофлигини (Transparent Assessment) таъминлашнинг методик ва дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг коммуникатив ҳамда касбий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда тил портфолиосини рефлексив фаолиятга йўналтириш, ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ва чет тилларни мустақил ўрганиш стратегия ва техникаларини ривожлантиришга қаратилган учта асосий функциясининг интеграллашуви орқали Д.Колбнинг тажриба орқали ўрганиш циклига (Experiential Learning Cycle) асосланган методологиясининг самарадорлиги экспериментал исботланган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчилари учун мўлжалланган «Европа тил портфолиоси Ўзбек модели»ни яратиш орқали тил портфолиоси технологиясини олий таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишда тадбиқ этиш ҳамда филологик, ҳамда нофилологик таълим йўналишлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда тил портфолиоси моделларини яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича методологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

жаҳон тажрибасида илк бор фойдаланувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, шахсга йўналтирилган таълимнинг мослашувчанлиги ва қулайлигини максимал ҳисобга олувчи, лингвистик ва коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган тил портфолиосининг интерактив мобил илова версиясини ишлаб чиқиш орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг метакогнитив, рефлексив, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларда рефлексив фаолият, ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини, мустақил таълим олиш техника ва стратегияларини ривожлантириш асосида касбий ҳамда лингвистик-коммуникатив компетентлигини шакллантиришга қаратилган «Европа тил портфолиоси Ўзбек модели» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2019 йил 17 октябрдаги №001657-сон муаллифлик гувоҳномаси) ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг коммуникатив ҳамда касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган, ўрганилаётган тиллар бўйича билим, кўникма ва малакаларини хужжатлаштириб бориш, Умумевропа компетенциялари мезонлари асосида ўз-ўзини баҳолаш, таълимий мақсадлар қўйиш имконини берувчи, автоматлаштирилган, интерактив тил портфолиоси электрон мобил иловаси (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги

томонидан 2020 йил 14 октябрда берилган DGU09450-сон маълумотнома) яратилган ва амалиётда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган терминлар, ёндашувлар ва илмий-назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани; ОТМларда инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга ихтисослашган бакалаврият таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг ўқув-услубий таъминоти (ДТС, ўқув дастури, ишчи ўқув дастури, дарсликлар) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ўрганилгани; ишлаб чиқилган портфолио моделининг ва уни қўллаш бўйича амалий тавсияларнинг тажриба-синов воситасида амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишлари натижалари математик-статистик жиҳатдан таҳлил қилиниб далилланганлиги ҳамда олинган натижалар самарадорлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда тил портфолиоси технологиясидан фойдаланишнинг мазмун моҳияти, тил портфолиосининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаш, мустақил таълим олиш ва рефлексив фаолият кўникмаларини ривожлантиришда қўллаш мумкинлиги, ишлаб чиқилган экспериментал метод ва педагогик технологиялар чет тили мутахассисларнинг малакасини ошириш ва турли тадқиқотларни ташкил этишда манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тил портфолиосини олий таълим муассасалари хорижий тилларни ўқитиш жараёнига интеграция қилиш, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда портфолио технологиясидан «тажриба асосида ўрганиш цикли»га асослаган ҳолда жорий қилиш, электрон портфолиоларни ишлаб чиқишда ва жорий этишда «технологияни қабул қилиш модели (Technology Acceptance Model)» мезонларидан фойдаланиш методикасининг ишлаб чиқилгани ҳамда яратилган «Европа тил портфолиоси Ўзбек модели»дан мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари учун тил портфолиоси моделларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий тавсиялар асосида:

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти «Чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» асосида ҳамда филологик ОТМ таълим йўналишлари малака талаблари, ўқув режалари ва модуллари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда «Европа тил портфолиоси Ўзбек модели» яратилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2019 йил 17 октябрдаги №001657-сон гувоҳномаси). Натижада инглиз тилини ўрганувчилар учун ўз лингвистик, коммуникатив ва

мадаланиятларо мулоқот кўникмаларини Умумевропа компетенциялари мезонлари асосида мустақил баҳолаш ҳамда баҳолашнинг транспарентлигини таъминлаш имконияти яратилган;

инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида тил портфолиосидан фойдаланиш бўйича методик тавсиялардан Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказида 3.1. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари ҳамда 3.3. Тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари модуллари ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуаларини тузишда фойдаланилган (Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказининг 2021 йил 21 майдаги 10-06/24-сон маълумотномаси). Натижада педагог кадрларнинг малака ошириш курслари машғулотлари мазмунан бойитилган;

тажриба орқали ўрганиш цикли асосида тил портфолиосини кўллашда ўз-ўзини баҳолаш, рефлексив фаолият ҳамда мустақил таълим олиш кўникмаларини интегратив тарзда ривожлантириш технологиясидан Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида MA in Teaching and Learning (Ўқитиш ва ўрганиш бўйича) ва MRes in Social Science Research (Ижтимоий гуманитар фанларда илмий тадқиқот методологияси) магистратура курслари таркибидаги модуллар ўқув дастури ва методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг 2021 йил 26 майдаги RO/01-0384-сон маълумотномаси). Натижада мазкур модуллар мазмуни халқаро стандартлар асосида бойитилган;

тадқиқот доирасида яратилган «Европа тил портфолиоси Ўзбек модели» мобил иловасидан Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети ва Лондондаги Вестминстер университети ҳамкорлигида "Transition from School to University – What it Means to be a "University Student" мавзусида амалга оширилган лойиҳада фойдаланилган (Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг 2021 йил 26 майдаги RO/01-0384-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муҳитида талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини йўлга қўйиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва чет тилларни ўрганишда эришган ютуқларини ҳужжатлаштиришнинг дидактик таъминоти яратилган;

яратилган тил портфолиоси моделида ишлаб чиқилган ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш топшириқларидан Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда амалга оширилган «Шахсга йўналтирилган таълим методикаси ва технологиялари» мавзусидаги лойиҳа доирасида ташкил этилган малака ошириш курсида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 28 майдаги 01-01/1-696-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида ўқувчиларнинг ўз-

Ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш бўйича маҳорати такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та қоғоз вариантдаги портфолио, 1 та электрон мобил илова, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 6 та, жумладан, республика журналларида 4 та ва хорижий илмий журналда 2 та, мақола нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 164 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда тил портфолиосидан фойдаланишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида *портфолио* технологиясининг педагогик ва психологик асослари, хорижий тадқиқотчилар томонидан портфолио технологиясини бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда қўллаш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари, ушбу технологияни қўллаш юзасидан амалий ва назарий таклифлари, методологик мезонларга тўлалигича мос келиши бўйича таҳлиллар юзасидан олиб борилган илмий изланишлар атрофлича тадқиқ этилган.

XX аср юқори технологияларнинг ривожланиши ва инсоният ривожланишига тизимли ҳамда структуравий ёндашувлар асри бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, таълим жараёнини ҳамда уни ташкил этувчи асосий компонентларни тавсифлашга ҳам асрнинг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда технологик-тизимли ёндашув асосида амалга оширилди дейиш мумкин. Шу тариқа таълим ва тарбия соҳасига «педагогик технология» ва «таълим технологияси» тушунчалари кириб келди десак муболаға бўлмайди.

ЮНЕСКО таърифига кўра, педагогик технология бу «таълим жараёнини ташкил этишда ҳамда уни муваффақиятли олиб боришда мақбул технологик жараёнларни ва манбаларни яратиш, қўллаш ва бошқариш амалиёти» ҳисобланади⁹. Мамлакатимиз олимлари Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоевалар фикрича, педагогик технология бу ижобий таълимий мақсадларга эришишда маълум бир лойиҳа ва мақсадлар асосида амалга ошириладиган педагогик фаолиятдир¹⁰. Б.Бим-Бад педагогик технологияларга таъриф берар экан, педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш илмий лойиҳалашни, ўқувчиларнинг ўқиш ва ўрганиш жараёнидаги шахсий хусусиятларини диагностик таҳлил қилишни ҳамда таълимий мақсадларни эътироф этган ҳолда ушбу жараёни ижобий натижаларга эришишга йўналтириш талаб этилишини таъкидлайди¹¹.

Портфолио педагогик технология сифатида юқорида таъкидланган хусусиятларни ўзида тўлалигича мужассам этади. Э.Х.Тазутдинова¹² портфолио технологиясидан бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда қўллаш бўйича олиб борган тадқиқотида, портфолионинг М.Чошанов¹³ таклиф этган методологик мезонларга тўлалигича мос келиши бўйича таҳлилни келтиради (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Портфолио технологиясининг М.Чошанов мезонлари бўйича таҳлили

Мезон	Портфолио технологияси хусусиятлари
Мақсадга йўналтирилган	Портфолио маълум кўникма ва малакаларни, шу жумладан билимларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлади. Портфолиони қўллашдан кўзланган мақсад таълим мақсадларига тўлиқ мослашувчан хусусиятга эга.
Концептуал	Портфолио технологиясининг концептуал ва назарий асосларини ўқитиш ва ўрганишга бўлган конструктивистик, гуманистик ва ижтимоий-маданий қарашлар ташкил этади.
Изчил	Портфолио технологияси таълим жараёнининг турли босқичларида ва турли контекстларида қўлланилиши мумкин.
Бошқарувчан	Портфолио технологияси ўқувчиларнинг хусусий билим олиш траекторияларини лойиҳалаш, режалаштириш ва бошқариш имкониятини беради.
Самарали	Портфолио технологияси фойдаланишда кам ҳаражатни талаб этишига қарамадан, таълимий мақсадларга эришишда жуда юқори самарадорликка эга.
Диагностик	Портфолио таълимий восита сифатида ўз-ўзини баҳолаш, рефлексия ва мустақил таълим олишга урғу беради.
Репликацияланувчи	Портфолио технологиясидан турли гуруҳга мансуб ўқувчилар билан фойдаланиш имконияти мавжуд.

⁹ UNESCO Definition of Educational Technology. Electronic Resource: <https://unevoc.unesco.org/go.php?q=tvetipedia+glossary+a-z&filt=all&id=647> Accessed: 10.03.2019

¹⁰ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологиянинг татбиқий асослари - Т.: Фан, 2006. – Б. 189.

¹¹ Бим-Бад Б.М. Педагогические течения в начале двадцатого века – М., РОУ, 1994. – 144 с.

¹² Тазутдинова Э.Х. Учебный портфолио в системе подготовки студента к будущей педагогической деятельности. Дисс. канд. пед. наук., 2010. – С. 34.

¹³ Чошанов М.А. Теория и технология проблемно-модульного обучения в профессиональной школе. Дисс. ... д-ра пед. наук. – Казань, 1996. – 368 с.

Портфолио технологиясининг нисбатан янги тушунча эканлигига қарамасдан, ундан фойдаланиш жабҳалари кундан кунга кенгайиб бормоқда. Хусусан, бу технологияни таълим тизими самарадорлигини оширишда қўллаш ва унинг имкониятларини илмий тадқиқ қилишга бўлган қизиқиш Ғарб мамлакатларида, айниқса, Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тус олган. Мамлакатимиз таълим тизимида, ҳозирда портфолио технологиясидан педагог кадрлар малакасини ошириш соҳасида фаол қўлланилмоқда. Шунга қарамай, портфолио технологиясидан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмаган ва санокли мутахассислар ва олимлар ўз ишларида портфолио технологиясига қисман мурожаат қилишган.

Канададан Квинс Университети ўтган асрнинг 1970-йилларида ўқув жараёнида портфолио технологиясидан биринчилардан бўлиб фойдаланган таълим муассасаси сифатида эътироф этилади. Бу тажриба портфолио технологиясидан дунёдаги етакчи таълим муассасаларида таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида қўлланилишига тамал тошини қўйиб берди. Шу даврдан бошлаб, педагогик олимлар портфолио технологиясига турли хил нуқтаи назардан таъриф бериб келишмоқда (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

Портфолио таърифи

№	Тадқиқотчилар	Портфолио таърифи
1.	П.Винзор ва Б.Эллафсон	Таълим олиш жараёни ва маҳсулотини акс эттирувчи восита бўлиб, талаба ўқувчиларнинг рефлексив фаолияти, энг намунали ишларини саралаш, ўқиб ўрганиш жараёнини мувофиқ тарзда ташкиллаштиришлари ва бошқаришлари орқали шаклланади.
2.	Т.Купер ва Т.Лав	Эгалланган билим, кўникма, қадрият ва ютуқларнинг уюшиқ тарзда тузилган мажмуи бўлиб, ушбу ишлар орқали ўқувчилар олинган билимларнинг мувофиқлигини, эришган ютуқларнинг ҳаққоний эканлигини рефлексия орқали кўрсатиб беришади.
3.	М.Пинская	Замонавий педагогик технология бўлиб, ўқиб-ўрганиш ҳамда мутахассисликка оид фаолиятни аутентик баҳолаш воситаси.
4.	Н.Соколова	Бўлажак мутахассислар учун тизимли ва ихтиёрий равишда мотивланган қайдлар йиғиндисини яратиш воситаси бўлиб, ушбу қайдлар асосида ўз билим, кўникма ва малакалари ҳақида рефлексив фаолият юритишлари, ҳамда меҳнат бозорига қанчалик тайёр эканлигига форматив баҳо беришлари мумкин.
5.	Ф.Паулсон, П.Паулсон ва К.Меер	Ўқувчиларнинг бир нечта соҳа бўйича билим олишдаги сайи-ҳаракатлари ва ютуқлари натижаларини жамлаш ва ҳужжатлаштириш воситаси.
6.	Е.Чжен ва Д.Пардабаева	Ўқувчилар нуқтаи назаридан портфолио бу уларнинг ўқиш ва ўрганиш жараёнида эришган ютуқлари ва натижаларини қайд этиш ва жамлаш, уларни таҳлил қилиш воситаси бўлса, ўқитувчилар учун портфолио бу ўқувчилар билан қайта алоқа ўрнатиш (feedback) ва уларни баҳолаш воситасидир.

МДХ олимлари Т.Г.Новикова¹⁴, А.Т.Прутченкова ва М.А.Чошановлар¹⁵ портфолиони 7 та категорияси бўйича таснифлайди. Улар: 1. Таълимий мақсадлар бўйича тасниф: ўргатувчи ва мутахассисликка оид портфолиолар; 2. Портфолиодан фойдаланувчи субъектлар бўйича тасниф: шахсий (индивидуал) ва гуруҳ портфолиолари; 3. Портфолиодан фойдаланишдан кўзланган мақсад ва вазиятларга кўра тасниф: ютуқлар портфолиоси, шахсий ўсиш портфолиоси, ишлар жамланмаси портфолиоси, ишга жойлашув портфолиоси, лавозим прогрессияси портфолиоси; 4. Портфолиода тақдим этилган материаллар бўйича тасниф: ишлар портфолиоси, тақризлар портфолиоси, тақдимот портфолиоси ва баҳолаш портфолиоси; 5. Портфолиодан фойдаланиш вақтига кўра тасниф: ҳафталик портфолиолар, семестр портфолиоси, курс портфолиоси; 6. Портфолиодаги маълумотларни тақдим этиш ва уларга ишлов шаклига кўра тасниф: қоғоз портфолио, электрон ёки онлайн портфолио; 7. Портфолио орқали ўрганилаётган фан ёки соҳа бўйича тасниф: Вермонт Математик портфолиоси, тил портфолиоси¹⁶. К.Вольф ва М.Диетц портфолиоларни уч асосий гуруҳ бўйича таснифлайди. Улар *жараён/ўсиш портфолиоси, маҳсулот/баҳолаш портфолиоси ва бандлик портфолиоси*¹⁷.

Мамлакатимиз педагог олимларидан Н.Муслимов ва М.Усмонбоевалар портфолиоларни хужжатлаштирувчи, ютуқлар портфолиоси, тақризлар портфолиоси, тақдим этувчи портфолио, баҳоловчи ва онлайн портфолио турларига бўлишган¹⁸. Юқорида келтирилган портфолиога берилган таърифлар ва унинг таснифларидан кўриниб турибдики, портфолиодан фойдаланиш мақсадлари, асосан, унинг иккита функцияси: *педагогик функция* ва *хужжатлаштирувчи функциясига* асосланади. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, портфолио технологиясини қўллаш жабҳалари кенг бўлиб, улар, асосан, Ғарб мамлакатлари тажрибаси асосида жамланган.

АҚШ таълим тизимида портфолио технологиясидан фойдаланишга бўлган қизиқиш 1980-йилларда уйғониб, 1990-йилларга келиб ундан фойдаланишга бўлган интилиш ва қизиқиш ривожланишининг юқори палласига чиқади. XX аср охирига келиб, АҚШ таълим муассасаларида портфолиодан нафақат муқобил баҳолаш воситаси сифатида, балки ходимлар иш самарадорлигини оширувчи ва назорат қилувчи восита сифатида ҳам қўлланила бошлайди. 20-аср охирига келиб, АҚШда ўқитувчи касбига қўйилган стандартлар миллий Кенгаши (National Board for Professional Teaching Standards) портфолиодан ўз педагогик фаолиятида юқори натижаларга эришган ўқитувчиларни сертификатлаш воситаси сифатида

¹⁴ Новикова Т.Г. Папка индивидуальных учебных достижений «портфолио»: федеральные рекомендации и местный опыт // Директор школы, 2004. – № 7. – С. 13-15.

¹⁵ Чошанов М.А. Теория и технология проблемно-модульного обучения в профессиональной школе. Дисс. ... д-ра пед. наук. – Казань, 1996. – 368 с.

¹⁶ Прутченков А.С., Новикова Т.Г., Пинская М.А. Портфолио: типичные ошибки и затруднения // Народное образование, 2005. – № 2. – С.71-81

¹⁷ Wolf K., Dietz M. Teaching portfolios: Purposes and possibilities //Teacher education quarterly, 1998. – P. 9-22.

¹⁸ Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. – Тошкент, 2015. – Б. 116.

фойдалана бошлайди¹⁹. Ҳозирга келиб, портфолио технологиясидан дунёнинг етакчи ривожланган мамлакатлари таълим муассасаларида фойдаланади. Жумладан, Япониянинг Токио Университети кириш имтиҳонларида, Гон-Конг университетидан ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишда, Буюк Британиянинг Шеффилд Халлам университетида академик инглиз тилини ўқитишда, Туркиянинг Хачеттепе университети ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш курсларида портфолио технологиясидан самарали фойдаланилади.

Ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши билан портфолио технологиясини тақдим этиш шаклида ҳам кўзга кўринадиган трансформациялар амалга оширилмоқда. Эндиликда қоғоз шаклдаги портфолиолар ўрнини электрон ёки виртуал, онлайн портфолиолар эгалламоқда. Бу эса, ўз навбатида, портфолиоларга интерактивлик, тезкорлик, улашувчанлик, қулайлик, мобиллик ва энг асосийси тежамкорлик хусусиятларини тақдим этди. П.Абрами ва Х.Барретга кўра, электрон портфолиолар фойдаланишга қулайлиги, ўқувчиларда рефлексив фаолият, ўз-ўзини баҳолаш, мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда уларнинг технологик компетенцияларини ҳам ривожланишига кўмак беради²⁰. Шу билан бирга электрон портфолиолар фойдаланувчиларнинг муаммоларга ечим топа олиш ҳамда танқидий фикрлаш кўникмаларини ҳам ривожлантириши эътироф этилган.²¹ Электрон портфолиолардан фойдаланишнинг қулайлиги, уларга интеграция қилинган қўшимча автоматлашган функциялар, хусусан, маълумотларни турли шакл ва кўринишда (*видео, аудио ва расмий файллар*) юклаш, сақлаш ва ишлов бериш имкониятлари портфолиодан фойдаланувчилар учун таълим олиш жараёнида эришган ютуқлари, билим, кўникма ва малакаларини самарали ҳужжатлаштириш имконини тақдим этади²². Шу тариқа электрон портфолиолар самарали таълим воситаси сифатида вақтни тежайди, ўқитувчи ва талабаларни ортиқча ишдан халос этади.

Юқорида берилган таҳлиллар натижасидан англашиладики, портфолио технологияси таълимнинг турли босқичларида ва соҳаларида кенг кўламда қўлланилади. Хусусан, тилларни ўқитиш ва ўрганиш соҳасида ҳам портфолио технологияси ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган бўлиб, бу биринчи навбатда, тил портфолиоси ёки Европа тил портфолиоси мисолида кенг тадбиқ этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айнан **Европа тил портфолиоси** (кейинги ўринларда ЕТП) орқали турли контекстларда тил ўқитиш ва ўрганишга тил портфолиоси технологияси кириб борган. Жумладан, Ирландиядан тортиб Япониягача, Россия Федерациясидан тортиб Вьетнамдаги таълим тизимларига тил портфолиоси технологияси Европа тил

¹⁹ Dietz M. E. Using portfolios as a framework for professional development // Journal of Staff Development, 1995. – Т. 16. – №. 2. – P. 40-43.

²⁰ Abrami P., Barrett H. Directions for research and development on electronic portfolios // Canadian Journal of Learning and Technology/La revue canadienne de l'apprentissage et de la technologie, 2005. Т. 31. – №. 3.

²¹ Wall K. et al. Developing digital portfolios: Investigating how digital portfolios can facilitate pupil talk about learning // Technology, Pedagogy and Education, 2006. – Т. 15. – №. 3. – P. 261-273.

²² Lorenzo G., Ittleson J. An overview of e-portfolios. Educause Learning Initiative Paper 1. 2005.

портфолиси шаклида кириб келган. ЕТП **Умумевропа компетенциялари** (CEFR) мазмун-моҳияти ва тамойилларини ўзида мужассам этган восита сифатида кўплаб мамлакатларда, айниқса, чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш тизимига Умумевропа компетенциялари тадбиқ қилинган мамлакатларда кенг қўлланилиб келмоқда.

Европа тил портфолиоси (ЕТП) чет тили таълимига оид бир қатор муаммоларга ечим таклиф этишга қаратилган бўлиб, жумладан, ЕТП таълим шакллари ва усуллари асосида бирлашишнинг интеграл воситаси сифатида кўп босқичли хорижий таълим сифатини модернизация қилишни таъминлаш, шунингдек, давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларнинг касбий-тил кўникмаларини шакллантиришда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. 2000 йиллар бошларида ЕТП Европа давлатлари миқёсида кенг фойдаланилган бўлса, кейинчалик ундан таълим жараёнида фойдаланадиган давлатлар қаторига Европа Иттифоқига кирмайдиган давлатлар ҳам қўшила бошлади. Хусусан, ЕТП Туркия, Россия Федерацияси, Канада, Япония, Малайзия сингари бошқа кўплаб мамлакатларда 118 дан зиёд турли шакл ва кўринишларда қўлланилиб келмоқда. Бизнинг назаримизда, ЕТП ҳар тарафлама портфолио эгасининг шахсий тил тажрибасини акс эттирадиган (талаба ҳозирги вақтда намойиш қилиш имкониятига эга бўлган чет тил ўрганиш бўйича ютуқлари ва унинг олдинги тил ўрганиш тажрибаси) учта асосий *Language Passport, Language Biography va Dossier* («Тил биографияси», «Тил паспорти» ва «Хужжатлар тўплами») каби бўлимларни ўз ичига олади.

3-жадвал.

Т.Г.Новикова, А.Т.Прутченкова ва М.А.Чошанов категориялари бўйича тил портфолиоси таърифлари

№	Тасниф категорияси	Таъриф
1	Таълимий мақсадлар бўйича	тил портфолиоси ўргатувчи портфолио ҳисобланади.
2	Портфолиодан фойдаланувчи субъектлари бўйича	тил портфолиоси шахсий хужжат ҳисобланади.
3	Портфолиодан фойдаланишдан кўзланган мақсад ва вазиятлар бўйича	тил портфолиоси ютуқлар портфолиоси, шахсий ўсиш портфолиоси, ишлар жамланмаси портфолиоси, ишга жойлашув портфолиоси ҳисобланади.
4	Портфолиода тақдим этилган материаллар бўйича	тил портфолиоси ишлар портфолиоси, тақдимот портфолиоси ва баҳолаш портфолиоси ҳисобланади.
5	Портфолиодан фойдаланиш вақтига кўра	тил портфолиоси курс, босқич портфолиоси ҳисобланади.
6	Портфолиодаги маълумотларни тақдим этиш ва уларга ишлов бериш шаклига кўра	тил портфолиоси қоғоз ва электрон портфолио кўринишида бўлиши мумкин.
7	Ўрганилаётган фан ёки соҳа бўйича	ЕТП тил портфолиоси ҳисобланади.

Тадқиқотимиз предмети ва объектига мос равишда тил портфолиосини таърифлашда Т.Г.Новикова, А.Т.Прутченкова ва М.А.Чошановларнинг портфолио технологиясини таснифлашнинг қуйидаги 7 та категориясига асосланган ҳолда қуйидаги таърифлари ишлаб чиқилди (3-жадвалга қаранг).

Тадқиқотимизда портфолио технологиясини инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда фойдаланишнинг илмий-назарий асослари, педагогик ҳамда психологик жиҳатлари ёритиб берилган. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, портфолио технологияси асосига сингдирилган асосий илмий педагогик ва психологик назариялар ўқувчиларни таълим жараёни марказига қўювчи назариялар атрофида қурилган. Илмий-назарий адабиётлар таҳлиliga кўра, портфолио технологияси метакогнитивизм, когнитивизм, конструктивизм, рефлексив фаолият педагогикаси, ўрганишнинг ижтимоий-маданий (socio-cultural theory) назариясига таянади (1-расмга қаранг).



1-расм. Портфолио технологиясини асосини ташкил қилувчи назариялар

Тадқиқот доирасида амалга оширилган илмий-назарий адабиётлар ҳамда портфолио технологиясининг асосини ташкил қилувчи таълим назариялари таҳлили асосида *портфолио технологиясини ўзида ўқувчиларни таълим жараёнининг марказий иштирокчиси сифатида тан олувчи ўқитиш ва ўрганишга бўлган энг замонавий ёндашувларни мужассам этган мураккаб ва шу билан бирга универсал таълимий восита* сифатида таърифлаш мумкин.

Портфолио технологиясининг ушбу таърифидан келиб чиққан ҳолда тил портфолиосини тил ўрганувчиларнинг келгусидаги ҳаёти давомида таълим олишлари учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантирувчи ўқувчи шахсига йўналтирилган таълимий восита сифатида таърифладик. Мазкур тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, *инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш контекстида тил портфолиосини кейинчалик бўлажак ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий маҳоратини ошириб боришида муҳим аҳамият касб этувчи рефлексив фаолият, ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантирувчи ҳамда самарали таълим олиш стратегияларидан воқифлигини оширувчи машқлар ва топшириқлар мажмуи* дея эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотимизда тил портфолиоси моделини инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида тадбиқ этиш методикасини ишлаб чиқишда тил портфолиоси таркибидаги рефлексив фаолиятга йўналтирувчи, ўз-ўзини баҳолаш ва мустақил таълим олиш стратегия ва техникаларини ривожлантиришга оид компонентларини интегратив тарзда Д.Колбнинг тажриба орқали ўрганиш цикли асосида йўлга қўйиш методикаси ишлаб чиқилди.

Тажриба орқали ўрганиш цикли, бизнингча, юқорида таъкидланган ўқувчи шахсига йўналтирилган ёндашувларни жараён ва англаш континуумларида бирлаштирган ҳолда тушунтиришга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда тил портфолиосини тадбиқ этиш методологияси»** деб номланиб, мазкур бобда тил портфолиоси моделини яратиш методологияси, уни мавжуд ўқув режаси ва ўқув дастурлари таҳлили асосида ўқув жараёнига тадбиқ қилишнинг амалий босқичлари ёритилган.

Европа Кенгаши хузуридаги тил сиёсатлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тил портфолиоси моделларини яратиш бўйича методик тавсияларига²³ кўра, тил портфолиоси моделларини яратишда 3 та асосий мезон инобатга олиниши лозим. Булар: 1) Тил портфолиосидан фойдаланувчилар ёши. Бу портфолионинг тузилиши, ҳажми, унда берилган ва назорат рўйхатларидан фойдаланишга доир кўрсатмаларнинг мураккаблигида акс этади. 2) Тилни ўрганиш контексти; 3) Тил портфолиосидан фойдаланишнинг социолингвистик контексти. Бу талабларнинг инобатга олиниши тил таълими муҳитида иштирок этувчиларнинг хусусиятларини инобатга олиш билан биргаликда тил портфолиоси моделининг аниқ кўзланган таълимий мақсадларга эришишига ёрдам беради. 2000 йилдан ҳозирги кунга қадар яратилган ва Европа Кенгашидан валидациядан ўтган тил портфолиоси моделлари таҳлилига кўра, тил портфолиоси асосий учта компонентдан ташкил топиши мақсадга мувофиқ. Улар 1) Тил паспорти; 2) Тил биографияси; ҳамда 3) Досье (Шахсий ҳужжатларим) (2-расмга қаранг).

²³ Council of Europe. Guide to Compiling an ELP // <https://www.coe.int/en/web/portfolio/guide-to-compiling-an-elp>

Тил портфолиоси моделини яратиш давомида тил портфолиосининг интеграция қилиниши назарда тутилган таълим йўналиши ўқув режаси структураси, ўқув режада келтирилган модул(фан)лар мазмуни, модул (фан)ларни ўқитишда қўлланилувчи методлар ва ёндашувлар А.Орнштайн ва Ф.Ханкинс²⁴ томонидан ўқув режаларни яратиш ва таҳлил қилиш бўйича тавсия этилган 6 та ёндашув: бихевиорал, бошқарувчанлик, тизимлилик, академик йўналтирилганлик, реконцептуалистик ва гуманистик ёндашувлар асосида таҳлил қилинди. Ўтказилган таҳлиллар асосида учта асосий таркибий қисмдан иборат «Европа тил портфолиоси Ўзбек модели» ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Тил паспорти	Тил биографияси	Досье
Тил кўникмалари профили	Тилни ўрганишдан кўзлаган мақсадларим	Ҳужжатларим
Тил ўрганиш тажрибаларим қисқача баёни	Тил ўрганиш тарихим	
Лисоний ва маданиятлараро тажрибаларим	Қачон ва қандай қилиб тилларни яхши ўрганаман?	Машғулотлар давомида иштирок этган лойиҳаларим
	Тил ўрганиш кундалигим	
Сертификатларим ва дипломларим	Лисоний ва маданиятлараро мулоқотларим	Чиқиш тести натижаси
	Маданиятлараро мулоқотларим ҳақида мулоҳозаларим	
	Тил ўрганишдаги ютуқларим ва кўзлаган мақсадларим	

2-расм. ЕТП Ўзбек модели таркибий қисмлари

Блейклига²⁵ кўра, тил портфолиоси технологиясини тил ўрганувчиларга таништиришда ва ундан фойдаланишга бўлган мотивацияни уйғотишда ўқитувчи асосий ўрин тутди. Ўқув режада келтирилган «Мустақил таълим кўникмалари» фани мазмуни таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу фан мазмуни

²⁴ Ornstein A., Hunkins F. Curriculum design //Curriculum: Foundations, and principles, 2009. – № 5. – P. 181-206.

²⁵ Blakely R. Practical (h)ELP. The EAQUALS-ALTE European language portfolio: a manual for schools and teachers, 2014 – P. 54.

ва мақсади тил портфолиосининг мазмуни, мақсадига тўлалигича мос келади (3-расмга қаранг).




3-расм. «Мустақил таълим кўникмалари» ва тил портфолиосининг таълимий мақсадлари узвийлиги

Шуни эътиборга олган ҳолда «Мустақил таълим кўникмалари» фан талабаларининг тил портфолиосидан фойдаланишни бошлаш нуқтаси сифатида олинди.

Тил портфолиосидан фойдаланишни бошлашда талабалар билан махсус таништирув машқлари ва топшириқларини бажариш мақсадга мувофиқ²⁶. Шу мақсадда «Мустақил таълим кўникмалари» фани намунавий дастурида келтирилган 3-мавзу: «Ўзини-ўзи баҳолаш» ҳамда 4-мавзу: «Мақсадларни

²⁶ Little D. and Perklova R. The European Language Portfolio: a guide for teachers and trainers. Council of Europe. – Strasbourg, 2001. – 55 p.

(abstract conceptualization) ҳамда фаол тажриба (active experimentation) босқичларини олади (4-расмга қаранг).



4-расм. Тил портфолиосининг тажриба асосида ўрганиш цикли асосида қўлланиш методикаси

Бу, ўз навбатида, тил портфолиоси таркибий қисмларида келтирилган рефлексив, ўз-ўзини баҳолаш, самарали ўрганиш ва таълим олиш стратегия ва техникаларини ўқув режадаги фанлар мазмунида, машғулотларида келтирилган топшириқлар, вазифалар ҳамда фаолият турлари билан интегратив тарзда фойдаланишни талаб этади.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари таҳлилидан хулоса қиладиган бўлсак, тил портфолиоси ўқувчи шахсини таълим ва тарбия жараёни марказига қўяди ҳамда ўз табиатида кўра таълимнинг гуманистик ёндашувига асосланади.

Зеро, шахсга йўналтирилган таълим ўқувчиларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутиб, бу бўлса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг мустақил равишда ўқиш ва ўрганиш мақсадларини белгилаб олишларини, ўрганишни амалга оширишда зарур ва муайян техника ва стратегияларни мустақил танлай олиш, қўллаш олишни назарда тутди. Л.Т. Ахмедова таъбири билан айтганда, «ўқитишнинг шахсга йўналтирилган жараёнлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг ички дунёсини шакллантиради, талабаларга ижодкорлик ҳиссини сингдириб ўзларини эътироф этиш ва намоён қилиши учун шароит яратади; уларнинг индивидуал ривожланишини,

мустақил таълим олишини таъминлаб, шахснинг субъектив хусусиятларини (автономлик ва мустақиллик) ривожлантиради»²⁹.

Диссертациянинг учинчи боби «**Инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида тил портфолиосини қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари**» деб номланиб, унда экспериментал тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқлаштирилган, эксперимент методикаси ёритилиб, унинг натижалари тавсифланган.

Тажриба-синов ишлари ва уни ташкиллаштиришга қўйилган тегишли методик талабларга кўра, тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда республикадаги учта ОТМ: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Гулистон давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллари институтида олиб борилиб, унга 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) ва 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) таълим йўналишларида тахсил олаётган жами 298 нафар талабалар жалб қилинган.

